



# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2018 йил 20 ноябрь, № 239 (7197)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ КОНГРЕССИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 ноябрь куни конгрессмен Трент Келли бошчилигидаги АҚШ Конгресси делегациясини қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари таркибида АҚШ Вакиллар палатаси аъзолари Висенте Гонсалес, Рональд Эстес, Рожер Маршалл ва Женифер Гонсалес Колон ҳам бўлган делегацияни самимий қутлар экан, конгрессменларни АҚШ парламентиға оралиқ сайловнинг муваффақиятли ўтгани билан табриклади.

Кейинги йилларда кўп қиррали Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлиги жадал ривожланиб бораётгани чуқур мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил май ойда Вашингтонда бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклиkning янги даврини бошлаб бергани таъкидланди.

Турли йўналишлар бўйича икки томонлама алоқалар фаоллашди, конструктивий сиёсий мулоқот йўлга қўйилди, парламент-

лараро алмашувлар, шунингдек, маданий-гуманитар ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик кенгаймоқда.

Савдо-иқтисодий соҳада биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан ўзаро савдо ҳажми ошириш, Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилишга етакчи АҚШ компанияларининг тўғридан-тўғри инвестициялари ва технологияларини жалб этиш борасида аниқ манзилли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жорий йил бошидан буён ўтган даврнинг ўзида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баробар ортди, мамлакатимизда АҚШ капитали иштирокида 25 дан зиёд янги корхоналар ташкил этилди.

Октябрь ойда мамлакатимизда АҚШ савдо вазири Уилбур Росс бошчилигидаги

нуфузли делегация иштирокида биринчи марта Америка бизнеси ҳафталигининг ишбилармонлик тадбирлари ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари АҚШ Вакиллар палатасида конгрессменлар Т. Келли ва В. Гонсалес раҳбарлигида «Ўзбекистон бўйича кокус» ташкил этилганини мамнуният билан қайд этди. Ушбу механизм ҳар томонлама муносабатларни кенгайтириш ва аниқ иқтисодий лойиҳаларни илгари суришда самарали омил бўлиб хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларга доир, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларга қўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик учун қўлай шароитлар яратиш ҳамда бу борадаги қўшма лойиҳаларни, аввало,

хўдудлараро даражада қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Конгрессменлар давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонда янги босқичда амалга оширилаётган ҳамда барча соҳа ва йўналишларни қамраб олган ислохот ва янгиланишларга юксак баҳо берди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни кенгайтиришга фаол қўмаклашишга тайёрлик таъкидланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Матбуот хизмати суратлари.

## АҚШ КОНГРЕССМЕНЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ ҲАҚИДА

Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашувдан сўнг АҚШ Конгресси делегацияси аъзолари Ў.А. муҳбирига Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида янги босқичга қийаётган ҳамкорлик ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди.

**Трент Келли, конгрессмен:**

— Мамлакатингизга таърифимизнинг асосий мақсади Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги икки томонлама манфаатли алоқаларни чуқурлаштириш ва янада ривожлантиришдан иборат. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу таърифимиз мамлакатларимиз амалий мулоқотининг мантиқий давоми ҳисобланади.

Бугун АҚШ Конгрессида Ўзбекистон бўйича алоҳида парламент гуруҳи — «Кокус» ташкил этилди ва у жуда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу гуруҳ америкаликларнинг Ўзбекистон ва ўзбек халқи ҳақида тўлақонли маълумотга эга бўлиши, парламентларимиз ва турли соҳалар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, мақсадимиз бу жараёнга қўмаклашишдир.

**Висенте ГОНСАЛЕС, АҚШ Вакиллар палатаси аъзоси:**

— Мамлакатларимиз ўртасида муштарак жиҳатлар кўп. АҚШ ҳам, Ўзбекистон ҳам ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни қўллаб-қувватлайди.

Мен АҚШнинг Техас штатиданман. Фаолиятим нефть-газ соҳасига оид. «Кокус» ушбу тармоқлар, шунингдек, энергетика, соғлиқни сақлаш, муҳофаза, савдо соҳаларида ҳам ҳамкорлик олиб боради.

Американинг ташқи муносабатларида Ўзбекистон Марказий Осиёдаги стратегик ҳамкор сифатида муҳим ўрин тутди. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги тенг манфаатли алоқаларни ривожлантиришда фаол ташаббусларни илгари сурапти. Биргаликда муносабатларимизни узоқ йиллар давом эттиришдан биз ҳам манфаатдоримиз.

**Женифер ГОНСАЛЕС КОЛОН, конгрессмен:**

— Бугун Америка — Ўзбекистон муносабатлари юқори босқичга чиқди. Президентингиз билан учрашув, шунингдек, мамлакатингиз парламенти ва қатор ташкилотлардаги музокараларимиз ўзаро ҳамкорликдан икки томон ҳам бирдек манфаат қўзғайётганини намоян этди.

Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар, барча соҳадаги модернизация жараёнлари юртингизнинг нафақат сиёсий, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам ривожланган давлатлар қаторига кириши учун замин яратётганига амин бўлдим. Янги тузилма таълим, хавфсизлик, ахборот технологиялари, бизнес каби кўплаб соҳаларда қўшма лойиҳаларни самарали амалга ошириш, ҳамкорликни истиқболли йўналишлар билан бойитишга хизмат қилади.

Ў.А. муҳбири  
М. ЭЛМУРОДОВ  
ёзиб олди.

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

«Ўзбекистон бўйича кокус»:

## Биринчи учрашув санаси маълум

Олий Мажлис Сенати ҳамда Қонунчилик палатасида Америка Қўшма Штатлари Конгрессининг Вакиллар палатаси аъзоси, «Ўзбекистон бўйича кокус (дўстлик гуруҳи)» раиси Трент Келли бошчилигидаги делегация билан учрашувлар бўлиб ўтди. Уларда парламентлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди.

Кокуслар аъзолик ташкилоти бўлиб, сенаторлар ва конгрессменлардан иборат гуруҳ ҳисобланади. Уларнинг фаолиятида бюрократик жараёнларнинг йўқлиги боис кокуслар у ёки бу муаммага зудлик билан муносабат билдириш ва ечим топиш имконини

беради. Бундан ташқари, уларда мавжуд муаммони қонунчилик доирасида муҳокама қилиш имкони юқори. «Ўзбекистон бўйича кокус» ташкил этиш ташаббуси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил май ойда Вашингтонга ташри-

фи натижалари бўйича қабул қилинган «йўл харитаси»да парламентлараро ҳамкорликни кенгайтириш учун кўзда тутилган эди. Вашингтонда давлатимиз раҳбари Миссисипи штати конгрессмени Трент Келли бошчилигидаги Конгресс аъзолари гуруҳи билан музокаралар олиб бориб, Вакиллар палатасининг етакчи аъзоларини бу жараёнга жалб қилиш лозимлигини таъкидлаганди.



## МАТОНАТЛИ ЭЛНИНГ ОРЗУ-УМИДЛАРИ РЎЁБГА ЧИҚМОҚДА

«Келгуси 2019 йилда ҳам Қорақалпоғистон Республикасида ҳамма соҳада — ижтимоий соҳада, иқтисодиётда инвестицион жараёнларни икки қарра кўпайтириш бўйича режа қиялпмиз. Ҳеч қачон Қорақалпоғистонда биз бундай катта режани қабул қилганимиз йўқ».

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Инсон дунёга келар экан, ҳаётда бахтли бўлиш, фаровон яшашни астойдил меҳнат қилади, излаб интилади. Аммо саъй-ҳаракатлари самараси учун қўмақ зарур пайтда бирор далади бўлмагач, ҳафсаласи пир бўлиши ҳеч гап эмас.

## Қорақалпоғистон шаҳарчаси

Нукус шаҳридан 480 километр, Қўнғирот тумани марказидан эса 370 километр олисда жойлашган. Бу ерда 3216 нафар аҳоли истиқомат қилади.



Яширишининг ҳолати йўқ, Қорақалпоғистоннинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган сабр-тоқатли, матонатли ва меҳнаткаш одамларда ана шундай кайфият пайдо бўлаётган эди. Негаки, кўп йиллар бу ерда оддий одамлар тақдирини, худудлар, айниқса, чекка туман ва овуллари ривожлантириш ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Оқибатда табиий иқлим шароити оғир Оролбўйи минтақаси аҳолисининг эртанги кунга ишончи ва умиди сўниб бораётганди. Шундай бир пайтда давлатимиз раҳбари вазиятни ўнглаш, оддий одамлар учун яшаш шароитини яхшилаш мақсадида Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни энг устувор вазифалардан бири этиб белгилаб берди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг худудларга ташрифи мунтазамлик касб этгани эса йигилиб қолган муаммоларни секин-аста ҳал этиш имконини бердики, натижада аҳоли ислохотлар самарасини амалда ҳис қила бошлади. Юртбошимиз жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва обо-

донлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 15-16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасида бўлганида ҳам асосий эътибор одамларни рози қилиш масаласига қаратилди.

«Қорақалпоғистонда ўзгаришлар йўқ эмас, бор, лекин бу ҳали одамлар кутган ўзгариш эмас. Тўғри, бир йилда қилиб бўлмайди. Лекин режани бандан олишимиз керак», дея таъкидлади Президентимиз.

Агар интилиш, шижоат, мақсад бўлса, ҳар қандай муаммони ҳал қилиш мумкин. Бунинг амалий исботига охириги бир йил ичида Оролбўйи минтақасида олиб боришган улкан ишлар мисолида яққол гувоҳчилик. Мўйноқ, Қўнғирот, Қонлиқўл, Ҳўжайли туманларида фойдаланишга топширилган янги sanoat мажмуалари, Нукусдаги шаҳарсозлик бўйича ҳаётга татбиқ қилинган лойиҳалар, марказдан 550 километр узоқликда жойлашган Қорақалпоғистон шаҳарчасидаги ўзгаришлар бунинг ёрқин далилидир.





# МАТОНАТЛИ ЭЛНИНГ ОРЗУ-УМИДЛАРИ РЎЁБГА ЧИҚМОҚДА



## Атиги уч ой кифоя қилди

Қорақалпоғистонликлар орасида “Эллик йилда эл янгиланади” деган ҳикматли ибора юради. Бироқ мамлакатимизнинг энг чекка Шимоллий нуқтаси бўлган Қўнғирот туманидаги



Қорақалпоғистон шаҳарчаси ўзгаришига йиллар эмас, атиги уч ой кифоя қилди. Шу жуда қисқа фурсатда маҳаллий аҳоли орасида “Қарақалпакия” деб аталиб келинган ҳудуд мўъжаз шаҳарчага айланди.

Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган “Обод қишлоқ” дастури туфайли ҳамиша умид ва ишонч билан янгиланишларни кўтиб яшаган мазкур шаҳарчанинг 3216 нафар аҳолисининг орзулари рўёбга чиқди. Уларнинг таъбири билан айтганда, ҳақиқий мўъжиза юз берди.

Албатта, мўъжиза ўз-ўзидан содир бўлавермайдиган. Унинг пухта иқтисодий асоси, ташаббускори бор. Дастур доирасида 43,5 миллиард сўмлик қурилиш ва обodonлаштириш ишлари бажарилиб, олис овулда янги ҳаёт бошланди.

## Кутли ҚОШИМБЕТОВА, “Қорақалпоғистон” шаҳарча фуқаролар йигини раиси:

— Шаҳарчамиз 1968 йилда ташкил этилган. Аммо ўтган ярим асрдан буён у эътибордан четда қолиб келаётган эди. Бугун кўз олдимизда тўли бераётган қурилиш ишларидан одамларнинг қувончи чексиз. Сабаби энг олис ҳудудда барча шарт-шароит яратиб берилди. Бундан жуда хурсандимиз.

Ўтган йилни қўйинг, шу йил саратонда келган одам бугун шаҳарчага ташриф буюрса, уни таниёлмай қолиши ҳеч гап эмас. Негакки, “Обод қишлоқ” дастури асосида август ойидан буён бемисл ишлар бажарилди. Хусусан, учта болалар боччаси, иккита мактаб, битта шифохона, темир йўл вокзали, мўъжаз деҳқон бозори, метеостанция таъмирланди. Ҳудуд марказида замонавий Маданият саройи фаолияти йўлга қўйилди. Бу ҳали ҳаммаси эмас, намунали лойиҳалар асосидаги 24 та арзон янги уй-жой барпо этилиб, мавжуд кўп қаватли тураржойлар буткул таъмирланди. Шу-нингдек, йўлларга асфальт ётқизилиб, уларнинг атрофига маҳаллий тупроқ-иклим шароитига мос иттибарли дарактлар, турфа гуллар ўтказилди. Икки километрлик ичимлик суви қувурлари янгиланиб, ўнта артезиан қудуғига насослар ўрнатилди. Айниқса, тўнлари зим-

зиё бўлган қўчаларга чироқлар ўрнатилган, улар наинки йўлларга, балки аҳолининг қалбига ҳам ойдинлик олиб кирди.

Туман хотин-қизлар қўмитаси кўмагида ташкил этилган 350 миллион сўмлик лойиҳа асосидаги замонавий тикувчилик корхонасида шаҳарчада яшовчи 80 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди.

## Худойберган СИХАЕВ, меҳнат фахрийси:

— Қарийб қирқ беш йилдан буён шу ерда, Қорақалпоғистон шаҳарчасида яшайман. Очигини айтман, бугунгидек янгиланишларни энди кўрапман. Лекин афсусланмайман. Узоқ йиллар таълим тизимида меҳнат қилиб, ёшларга сабоқ бердим. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳудудимиз ёшлари эндиликда олий ўқув юртиларига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинадиган бўлибди. Бунни эшитиб, ичимга сийма кетдим. Мана, ёшларга ғамхўрлик, эртанги фаровон ҳаётга пойдевор! Шаҳарчадаги капитал таъмирдан чиқарилган 25 та уйнинг бирида истикомат қиламан. Уйларимизда юқори сифатли коммунал хизматлар кўрсатиляпти. Барчаси учун чексиз миннатдоримиз.

Бундан бир неча йил илгари Қўнғирот туманидан шаҳарчага кўчиб келган Зинаида Мирзаева шу ердаги 56-мактабда ёшларга қозоқ тили ва адабиётиндан дарс беради. Унинг таъкидлашича, марказдан энг чеккадаги ушбу масканга келиб хато қилмабди. Чунки бугун бу ердаги ҳаёт ҳеч қаердагидан кам эмас.

Чиндан ҳам, шундай. Шаҳар-



ча марказидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби замонавий бинода фаолият олиб бормоқда. Айни пайтда бу ерда 120 нафар ўғил-қиз спортнинг бокс, миллий кураш, шахмат, шашка турлари билан мунтазам шуғулланмоқда.

## Самад БАЙНИЯЗОВ, бокс бўйича мураббий:

— Барча қулайлик яратилган мана шундай спорт мактабида фаолият юритаётганимдан бахтиёрман. Айни пайтда ўттиз нафар болага бокс сир-асрорларини иштиёқ билан ўргатяпман. Улар шаҳарчамиздан чиққан Ерлан Балғамамбетов, Жандос Тиркешов каби бокс бўйича мамлакат чемпионлари-дек юқори погоналарни забт этишга аҳд қилган. Шаҳарчамиздаги бугунги янгиланган манзара ёшларимиз аҳвол-руҳиясини баланд кўтармоқда.

Туман марказидан 370 километр олисда жойлашган гўшадаги янгиланишлардан ҳайратланмаслик мумкин эмас. Зеро, саксон беш ёшли Ойсулов ая Коптеуованинг ўғити кишини шунга ундайди: “Инсон учун фарзандларининг қувончдан чакнаган кўзларини кўришдан ортиқ бахт йўқ. Бизларга мана шундай имконият яратиб бер-



ганларнинг бошлари омон бўлсин!”

## Ишонч муваффақиятлар эшигини кенг очади

Давлатимиз раҳбари Орол буйи аҳолиси билан юзма-юз мулоқотларда алоҳида таъкидлаганидек, “Эртанги кунга

ташрифида ҳудудни айнан Мўйноқ билан танишишдан бошлагани замирида ҳам катта маъно-мазмун мужассам.

Таъкидлаш керакки, Президентимизнинг 2017 йил 28 февралдаги “2017-2018 йиллар даврида Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида янги даврни бошлаб берди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, тўқимачилик, фармацевтика ва электротехника маҳсулотлари, томчилатиб сугориш ускуналари, пластмасса қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, балиқчилик ва туризмни ривожлантириш бўйича имкониятлар ишга солинди.

Бу эзгу саъй-ҳаракатлар 2019 йилда кенг кўлам касб этиши эътиборлидир. Масалан, саноатда 12 та, қишлоқ хўжалигида 5 та, хизмат

## Қорақалпоғистон шаҳарчаси



кўрсатиш соҳасида 14 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Ижтимоий соҳа объеклари қуриш ва таъмирлаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Улар ҳақида гап кетганда, тақдимиёт ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация маркази хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 24 август кунини ўтказилган Оролни қўқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари мажлисида билдирган ташаббуси натижаси бўлган мазкур марказнинг ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти гоятда катта.

Орол денгизининг чекинган қисмидаги шўрланган ерларда илмий тадқиқот ва амалий ишлар кўламини кенгайтириш, экотизимни яхшилашга илгор тажрибалар ҳамда инновацияларни жорий этиш, саҳронинг дарактзорга айлантириш, қурғоқчиликни бошқариш, чорвачиликни ривожлантириш каби вазифалар унинг асосий мақсади этиб белгиланган.

Ҳозирги кунда бу мақсадлар учун Инновацияни ривожлантириш вазирлиги, халқаро ташкилотлар, жумладан, Франция тараққиёт агентлиги маблағлари йўналтирилмоқда.

## Саидрасул САНГИНОВ, Ўзбекистон экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари:

— Президентимиз Туркменистонда бўлиб ўтган Оролни қўқариш халқаро жамғармаси саммитида Оролбўйини экологик инновация ва технологик ҳудудга айлантириш ташаббуси билан чиққан эди. Бу гоё муаммолар ечимига қаратилгани билан аввалгиларидан алоҳида ажралиб туради. Қолаверса, лойиҳа зудлик билан амалиётга жорий этилаётгани ҳам унинг нақадар ҳаётий эканлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, Оролбўйи ва Хоразм вилояти аҳолиси ҳаёт даражасини яхшилаш мақсадида “йўл ҳаритаси” ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилаётгани диққатга сазовор.

Орол фожиасидан энг кўп зарар кўрган Мўйноқда табиий имкониятлардан келиб чиқиб,

аҳолисига катта қувонч бағишляпти.

Мухими, бунёдкорлик ишлари тўхтаб қолгани йўқ. Аксинча, тобора кенг кўлам касб этипти. Бу эса инвесторлар қизиқишини ошириши аниқ. Мақсад шу: чет эллик ҳамкорларни кўпроқ жалб этиш, биргаликда янги корхоналар ташкил қилиш, иш ўринлари очиш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришдир.

## Бунёдкор эл шижоати

Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантиришга қаратилган иқтисодий лойиҳаларда экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқаришга жиддий эътибор қўйилганлигини айтиш жоиз. Жумладан, келгусида чет элликларга қалава ип ўрнига, жинси матоси, момик сочиқ ва бошқа тайёр маҳсулотлар етказиб бе-

даражасини ошириш устида саъй-ҳаракат олиб боришмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, Оролбўйи минтақасида кенг тарқалган қизилмия етиштириш ва уни қайта ишлашга доир изланишлар аҳамияти катта эканлигини айтиш жоиз. Яқинда фаолият бошлаган масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Lanko Miya” қўшма корхонасида қизилмия экстрактидан Европа бозорига мўлжалланган қандолат маҳсулотлари, шоколад учун хом ашёлар тайёрланади.

Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳа билан танишиш асосида қизилмия плантацияларини кўпайтириш, хорижий шериклар билан “Водород переакид” заводини ишга тушириш, инвесторлар учун божхона тўлови, маҳсулотларни стандартлаштиришни енгиллаштириш, “Нукусфарм” ЭИЗда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан тавсиялар берди.

## Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА, Қорақалпоғистон халқ шоири, сенатор:

— Президентимизнинг қорақалпоқ халқига, ҳудуд иқтисодиёти ривожига эътибори шунчалик кучлики, буни ҳар бир ташриф давомида белгиллаб берилаётган вазифалар салмоғидан ҳам илғаш қийин эмас. Мисол учун, бу гал ўзим санаб ўтирдим, қирқдан ортиқ топишрик, режа бўлди. Уларнинг ҳаммаси бизнинг қорақалпоқ халқининг эртанги фаровон кунидан дарақиди. Бугун айтилган ҳар бир тақдир, ҳар бир режа биз, ижодкорларга катта-катта асарлар яратиш учун мавзу бўлди. Шижоат ва шиддат, илҳом бағишлади. Чунки уларнинг иҳросида давримизнинг қаҳрамонлари турибди.



Кўпни кўрган заҳматкаш қорақалпоқ аҳли бугун давлатимиз раҳбарининг бу бетакор заминга бўлган меҳри ва эътибори, янгидан-янги гоё ва ташаббуслари, амалий ҳаракатларидан руҳланиб, ўрнат олиб, янгиланиш ва яшариш шуқуҳи билан яшамоқда. Барча қийинчилик ҳамда муаммоларни мардондор ёнгиб, эртанги кунга ишонч билан қараб, ўз келахатини ўз қўли билан бунёд этмоқда. Сабот ва матонат бор жойда эса муваффақиятлар бўлиши муқаррардир.

## Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Пойтахтимиздаги “Ўзэксспомарказ” мажмуасида туризм соҳасида биринчи халқаро инвестицион форум иш бошланди. Унда 48 мамлакатдан 300 нафардан зиёд инвесторлар, сайёҳлик соҳасидаги халқаро молия институтлари вакиллари, экспертлар, мамлакатимиз ва хорижий компаниялар раҳбарлари, шунингдек, 16 та давлатнинг 30 дан ортиқ оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашмоқда.

## Форум

Юртимизда бундай нуфузли анжуман ўтказилиши бежиз эмас. Чунки мамлакатимиз туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга. Ундан унумли фойдаланиш, сайёҳликнинг иқтисодий самарадорлигини юксалтириш, бунинг учун чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш мақсадида жуда катта саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти. Хусусан, Президентимиз томонидан қатор ҳужжатлар имзоланиб, уларни рўёбга чиқариш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Бинобарин, бир қанча давлатларга визасиз ти-

зим жорий этилгани, визалар олишини соддалаштирилган тартиби татбиқ қилингани, шунингдек, 101 мамлакат учун транзит визалари амалга қиртилгани ислохотларнинг ҳаётий фидоаларидир. “E-VISA” тизими жорий қилинган, уч ойнинг ичида 49 мамлакат фуқароларига 19,5 мингга яқин электрон визалар берилди. Пировардида жорий йилнинг тўққиз ойида Ўзбекистонга келган хорижий сайёҳлар сони 4,4 миллион кишига етди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 2 баробар кўпдир. Йил охиригача

# Туризм: БОЙ ТАРИХ, БУГУНГИ КУН ВА ЁРҚИН ТААССУРОТ

## Сўз — меҳмонларга

туристлар сони 5 миллионни ташкил этиши кутилмоқда. Бундан ташқари, келиб чиқши Ўзбекистондан бўлганлар учун “Vatandosh”, мамлакатда илмий тадқиқот ва педагогик фаолият юритишни истаган хорижий фуқароларга “Academic visa”, даволаниш мақсадида келувчиларга “Medical visa”, олий таълим муассасаларида ўқиш учун ташриф буюрувчиларга “Student visa” жорий қилинади. Форум доирасида Ўзбекистоннинг барча ҳудудидан 500 дан ортиқ инвестицион лойиҳалар тақдим этилади. Булар сирасига “Чорвоқ” эркин туристик зонаси, “Samargand City”, “Қадимий Бухоро”, Сурхондарё вилоятидаги кичик сайёҳлик ҳудудлари ҳамда

“Olmozor City”ни қиратиш мумкин. Лойиҳаларда меҳмонхона ва савдо мажмуалари, дам олиш масканлари, соғлиқни сақлаш марказлари, тематик парклар, рестороанлар, агротуристтик масканлар акс эттирилган. Қолаверса, анжуманда B2B, B2G форматидagi учрашувлар ўтказилмоқда.

Анжуман натижалари бўйича инвесторлар, вазириликлар, идоралар ва ҳокимиятлар ўртасида шартнома ҳамда ҳамкорлик меморандумлари имзоланиши режалаштирилган.

Халқаро инвестицион форумнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Абдуҳакимов сўзга чиқди.

## Дилшод УЛУҒМУРОВОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



## Вольфганг МАЙРХОФЕР, “SPDM” компанияси директори (Австрия):

— Анжуман давомида Ўзбекистоннинг туристтик салоҳияти ҳақида тўлиқ маълумотга, тушуночга эга бўлялмиш. Бу ерда сайёҳликни ривожлантириш учун катта имкониятлар бор. Мисол учун, тоғлар ва тоғли манзаралари чиройли. Мана шу жиҳат ҳам Ўзбекистоннинг сайёҳлигига муносиб ҳисса қўшади, албатта.

Бундан ташқари, менга юртингиз одамларининг самими

ийлиги, меҳмондўстлиги ҳам жуда ёқди.

Бизнинг бизнес гоёларимиз, асосан, тоғларда туризмни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, шу йўналишда ишлаш борасида тақдирлар бердик.

## Содиқ БАРАК, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маслаҳатчиси (Туркия):

— Ўтган йилнинг ноябрь ойидан мамлакатингизда иш бошладим. Фаолиятим давомида Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш учун кўплаб тақдирларни билдирдим.

Биз асосий эътиборни зибёрат туризмга қаратялмиш. Чунки бу ерда жуда катта маданий мерос бор. Тарихий обидаларни таништириш билан бирга, зибёрат туризмни ривожлантириш мумкин.

Ўзбекистоннинг сайёҳлик борасидаги ўзига хос “ташриф қоғози” бўладиган лаззатли таомлари гастрономик туризмни равнақ топтиришда кўл келади. Ушбу форум соҳа равнақига яна бир туртки беради.

## Содиқ БАРАК, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маслаҳатчиси (Туркия):

— Ўтган йилнинг ноябрь ойидан мамлакатингизда иш бошладим. Фаолиятим давомида Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш учун кўплаб тақдирларни билдирдим.

Биз асосий эътиборни зибёрат туризмга қаратялмиш. Чунки бу ерда жуда катта маданий мерос бор. Тарихий обидаларни таништириш билан бирга, зибёрат туризмни ривожлантириш мумкин.

Ўзбекистоннинг сайёҳлик борасидаги ўзига хос “ташриф қоғози” бўладиган лаззатли таомлари гастрономик туризмни равнақ топтиришда кўл келади. Ушбу форум соҳа равнақига яна бир туртки беради.



## Алкис ДРАКИНОС, Европа тикланиш ва тараққиёт банки- нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:

— Ўзбекистонда қадимий обидалар, осори атиқалар кўп. Халқингиз урф-одатлари, табиати ўзига хос. Булар ҳар қандай сайёҳни жалб қилиш учун катта имконият саналади.

Мазкур форум ҳам туристлар оқимини кўпайтириш нуқтаи назаридан айни муддаодир. Чунки унда мамлакатингиз ҳудудларининг сайёҳлик салоҳияти, инвесторларга, туристларга яратилаётган шарт-шароитлар, қулайликлар ҳусусида батафсил маълумот берилмоқда. Ўйлайманки, натижа ҳам шунга яраша юқори бўлади.



Динара ЧИРКОВА олган суратлар.



# 2019 йил БЮДЖЕТНОМАСИ ДЕПУТАТЛАР ТОМОНИДАН ҚИЗҒИН МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

2018 йил 17 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджетети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сибсатининг асосий йўналишларини кўриб чиқдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — молия вазири Ж. Қўчқоров маъруза қилди. Даставвал парламент кўйи палатасининг барча қўмиталари, сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи мажлисларида ушбу масаланинг дастлабки муҳокамалари ўтказилган эди.

Мажлисда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси томонидан тақдим қилинган 2019 йилги Бюджетнома Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 96-моддаси қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилиб, парламентга қиритилган.

Мамлакатнинг бош молиявий ҳужжатини тақдим этиш амалиётида биринчи марта 2019 — 2021 йилларда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари прогнози берилди. Унда фискал кўрсаткичларга таъсир кўрсатувчи асосий ташқи ва ички омиллар, 2019 — 2021 йилларга оид солиқ-бюджет сибсатининг стратегияси, 2019 йилга мўлжалланган ва 2020–2021 йилларга прогноз қилинган фискал хавфлар, 2019 — 2021 йилларга мўлжалланган Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари параметрлари каби масалалар ўз аксини топган. Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишни таъминлашга, иқтисодиёт секторлари макроиқтисодий кўрсаткичларининг юқори суръатларда ўсишига эришишга, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган инвестициявий жозибадорлик ҳамда ишчанлик муҳитини оширишга доир чора-тадбирларни изчил амалга ошириш назарда тутилган.

Мажлисда қайд этилганидек, 2019 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши кейинги йилларда унинг ижобий динамикасини сақлаб қолган ҳолда 5,4 фоиз (2020 йилда 6 фоиз, 2021 йилда 7 фоиз) миқдорда бўлиши назарда тутилмоқда. Хусусан, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 4,9 фоиз, қурилишда 8,4 фоиз, қишлоқ ҳўжалигида 3,3 фоиз ва хизматлар соҳасида 6,2 фоиз кўпаяди, асосий капиталга инвестициялар 17 фоиз, товарлар ва хизматлар экспорти 15,5 фоиз ҳамда импорт 6,3 фоиз ўсади.

2019 йилги солиқ сибсатининг асосий йўналишлари Президентимизнинг 2018 йил 29 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сибсатини такомиллаш-

тириш концепцияси тўғрисида”ги Фармониغا мувофиқ ишлаб чиқилган. Унга кўра, барча фуқаролар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ягона ставкасини 12 фоиз миқдоридан жорий этиш, шундан 0,1 фоизини шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига йўналтириш, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасини 14 фоиздан 12 фоизгача, тижорат банклари учун 22 фоиздан 20 фоизгача пасайтириш, фуқароларнинг меҳнат ҳақи тарзидаги даромадларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ушлаб қолинадиган сўғурта бадалларини бекор қилиш назарда тутилмоқда. Умуман олганда, тақлиф этилаётган чора-тадбирлар амалга оширилиши ҳисобига солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тури 19 тадан 15 тагача камаяди.



2019 йилга мўлжалланган Бюджет сибсати пухта ўйланган фискал сибсатни амалга оширишга, иқтисодий кўрсаткичларнинг мутаносиб ўсишига ва мамлакат молиявий тизимининг баркарорлигини таъминлашга қаратилган.

Бюджет маблағларини режалаштириш самарадорлигини, улاردан фойдаланиш натижадорлигини оширишга ҳамда бюджетлараро муносабатларни такомиллаштиришга йўналтирилган бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда. Хусусан, Давлат бюджетини режалаштириш ва ижро этиш жараёнини, бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, тегишли вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг солиқ тўлаш имкониятларини кенгайтиришдан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг манфаатдорлигини ошириш, бюджетнинг баркарорлигини таъминлаш учун бюджетга қатъий риоя этилишига эришиш, бюджет тизимида бюджетларнинг молиявий оқимларини уйғунлаштириш кабилар шулар жумласидандир. Бюджетни режалаштиришнинг баркарорлигини ошириш мақсадида прогноз йили учун Давлат бюджетини ва кейинги икки йилга мўлжал-

ланган бюджет йўналишларини тасдиқлаш йўли билан ўрта муддатга мўлжалланган бюджетни режалаштириш механизмининг жорий этиш тақлиф қилинмоқда. 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг тушуми 102,6 триллион сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 24,2 фоиз даражасида бўлиши прогноз қилинмоқда. Давлат бюджетига тушумларнинг жорий йил кўрсаткичига нисбатан 37,8 фоиз ўсиши режалаштирилмоқда. Давлат бюджети даромад қисмининг тушуми бевосита солиқлар бўйича даромадлар ҳисобига 20,7 триллион сўм, билвосита солиқлар бўйича 55,5 триллион сўм миқдорида, ресурс солиқлар ва мол-мулкка солинадиган солиқлар бўйича 14,6 триллион сўм, ер ости бой-ликларидан фойдаланганлик учун солиқлар бўйича 10,7 триллион сўм, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар бўйича 0,3 триллион сўм миқдорида бўлиши кутилмоқда. 2019 йилда Давлат бюджетининг



харажатлари 107,1 триллион сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 1,4 баравар кўп бўлиб, бунда Давлат бюджетининг харажатлари, асосан, ижтимоий соҳаларга йўналтирилди. Жумладан, ижтимоий соҳа харажатлари 57,8 триллион сўмни ёки умумий харажатларга нисбатан 54 фоизни ташкил этди. Бунда ушбу харажатларнинг ўсиши аавалги йилдагига нисбатан 34,4 фоиз кўпаяди.

Мақтабгача таълим муассасаларини молиялаштиришга 4 триллион сўм, умумий таълимга 17,1 триллион сўм йўналтирилади, кадрлар тайёрлашга ажратиладиган маблағлар 3,8 триллион сўмни ташкил этди. Соғлиқни сақлашни молиялаштиришга эса 12,1 триллион сўм йўналтирилади ёки аавалги йилдагига нисбатан 30,5 фоиз ўсиш билан умумий харажатларга нисбатан 11,3 фоизни ташкил этди.

Маданиятни молиялаштириш учун 1 триллион сўм, илм-фанга 0,8 триллион сўм йўналтирилади. Ижтимоий нафақалар, кам таъминланган оила-ларга моддий ёрдам тўлаш ва компенсация тўловлари учун харажатлар ўтган йилдагига нисбатан 61,8 фоиз ошган ҳолда 5 267,2 миллиард сўмни ташкил этди.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш учун барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 6,3 триллион сўм йўналтирилади, бу эса 478 та аҳоли пунктида турмуш шароитлари яхши-ланишини таъминлайди. Давлат дастурларини амалга ошириш доирасида 2019 йилда 372 та объектда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини реконструкция қилиш ҳамда модернизациялаш, 1 916,1 километр узунликдаги сув ўтказиш тармоғини қуриш ва реконструкция қилиш назарда тутилмоқда. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида марказлашган сув таъминотини қамраб олиш 2019 йилда 77 фоизга етди.

Умуман олганда, 2019 йилги Бюджетномада назарда тутилган даромадларнинг изчил ўсиши, солиқ сибсатига жорий этилаётган туб ўзгаришлар аҳолининг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилгани билан аҳамиятли экани таъкидланди.

Мажлисда Бюджетнома ҳамда унинг асосий йўналишлари депутатлар томонидан атрофлича муҳокама этилди.

Бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда таъсирчан жамоатчи-лик ва парламент назоратини амалга ошириш долзарб аҳамият касб этди. Маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаи мустаҳкамланишини ва уларнинг мустақиллиги изчил оши-риб борилишини ҳисобга олган ҳолда, маҳаллий вакиллик органла-ри ваколат ва имкониятларидан оқилона фойдаланилишини, бюджет-га тушумлар тўлиқ бўлишини таъмин-лаш ишига фаол қўшилишлари талаб этилади. Бу борада парламент халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш-лари депутатлари корпусига ҳар то-монлама ёрдам кўрсатишни таъкид-лаб ўтилди.

Шу билан бирга, мажлисда Ҳукуматга сиёсий партиялар фрак-циялари, Ўзбекистон экологик ҳара-кати депутатлар гуруҳининг тақлиф ва фикр-мулоҳазалари, шунингдек, аҳолининг Қонунчилик палатаси де-путатлари билан жойларда ўтказил-ган учрашувлар чоғида билдирилган фикрлари ҳамда тақлифларини инобатга олиш тақлиф этилди.

Парламент вакилларининг бош молиявий ҳужжат лойиҳаси юзасидан берган саволларига Ўзбекистон Рес-публикаси Бош вазири ўринбосари — молия вазири Ж. Қўчқоров атроф-лича жавоб қайтарди. Йўналишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов сўзга чиқди.

Барча сиёсий партиялар фракция-лари ва Экологик ҳаракат депутат-лар гуруҳининг сўзга чиққан вакил-лар Ҳукумат томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сибсатининг асосий йўналишларини қўллаб-қувватлашни тақлиф этдилар. Лойиҳа Қонунчилик палатаси томо-нидан тасдиқланди.

## «Ўзбекистон бўйича кокус»: Биринчи учрашув санаси маълум

Ўз навбатида, АҚШ Конгресси Вакиллар палатасида икки томонла-ма алоқалар тарихида илк бор Ўзбе-кистон бўйича дўстлик гуруҳи тузилди. АҚШ Конгрессининг Вакиллар палатаси аъзоси Трент Келли раислик қилаётган мазкур ту-зилма аъзолари иштирокида Ўзбекистон — АҚШ парламентлари ўртасида ҳамкорлиқни янада ривожлантириш масалалари кенг муҳокама этилди.

Меҳмон ташкидлаганидек, АҚШ Конгресси-да “Ўзбекистон бўйича дўстлик гуруҳи” тузил-гани ўзaro ҳамкорлиқни янги bosқичга кўта-риш учун улкан қадамдир. Бунинг натижаси ўларoқ, Конгресс Кутубхонасининг “Очик дунё” дастури доирасида Олий Мажлис палаталари делегацияларининг АҚШга сафарлари кўпай-моқда. Ўз навбатида, Конгресс вакиллари ҳам мамлакатимизга бир неча бор ташриф бую-риб, турли соҳалар, хусусан, парламентлар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга ўз хиссаларини қўшиб келмоқда.

АҚШ Конгресси делегацияси аъзолари Ўзбекистоннинг ташқи олам билан очик, дустона ва ўзарo манфаатли шерикли сари ташлаётган ишончли қадамларига юқори баҳо берди.

Томонлар икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий, молиявий-инвестициявий ва тех-нологик ҳамкорлиқни янада ривожлантириш муҳим эканига эътибор қаратди.

Шунингдек, учрашувда минтақавий хавф-сизлиқни таъминлаш, энг аввало, Афғонис-тонни барқарорлаштириш ва тиклаш масала-лари бўйича икки мамлакатнинг ўзарo ҳам-корлиги масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Маълумот учун: “Ўзбекистон бўйича кокус (дўстлик гуруҳи)” жорий йилнинг август ойи-да ўз ишини бошлади. Унинг таркиби респу-бликачилар ва демократлардан иборат. Рес-публикачилар партиясининг аъзоси Трент Келли Дўстлик гуруҳининг раислигига, Демократик партия аъзоси Виценте Гонсалес эса ҳамраис этиб тайинланган. Амалиётга кўра, кокус йил-да икки маротаба ййигилиб, Ўзбекистон — Америка муносабатларини ривожлантириш йўллариин муҳокама қилади. Дўстлик гуруҳи-нинг биринчи учрашувини кейинги йил боши-да ўтказиш режалаштирилмоқда. Мазкур таш-риф эса АҚШ Конгресси аъзоларининг мам-лакатимиз ҳақидаги билимларини оширишга қаратилган.

Мунискон КАРИМОВА.

### Халқаро конференция

## Сайлов кодекси лойиҳаси

### У келажакда мамлакатга қандай наф келтиради?

Бухоро шаҳрида “Сайлов қонунчилигини такомил-лаштириш ва демократик сайловлар: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт” мавзuida халқа-ро конференция қўйиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Рес-публикаси Марказий сай-лов комиссияси ташаббуси билан Олий Мажлис пала-талари, Европада хавфсиз-лик ва ҳамкорлик ташкило-тининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамда К. Аденауэр номида-ги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатонаси ҳамкорлиги-да ташкил этилди. Унда мамлакатимиз парламенти аъзолари, сиёсий партия-лар, фуқаролик жамияти институтлари, экспертлар, шунингдек, Россия, Қирғи-зистон, Руминия каби дав-латлардан сайлов органла-ри, ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Венеция комиссияси, Бу-тунжаҳон сайлов органла-ри ассоциацияси, БМТ Ко-тибияти ҳузуридаги Сиёсий масалалар бўйича департа-

ментнинг сайловлар ўтка-зишга кўмаклашиш бўлими вакиллари қатнашди.

Анжуманнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссия-си раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломов, Бухоро вило-яти ҳокими ўқтам Барнов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмита раиси Акмал Саидов, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси-нинг сайловлар бўйича департаменти бошлиғи Александр Шлик ҳамда бошқалар мамлакатимизда сайлов қонунчилигини тако-миллаштириш борасида кенг қўллами ишлар амал-га оширилаётганини таъ-кидладилар.

Бинобардир, юртимизда давлат ва жамият қурили-шининг муҳим бўғини си-фатида сайлов тизимида ислохотлар изчил олиб бо-риляпти, тегишли қонунчи-лик ҳужжатлари халқаро мезонлар ва демократик тамойиллар асосида тако-миллаштирилмоқда.

Президентимиз ташаб-буси билан ишлаб чиқил-ган Сайлов кодекси лойи-ҳаси ошқоралик, шаффоф-лик, ҳақдорлиқ, ҳолислик каби демократик принцип-ларни ўзида акс эттириб, долзарб мазмун-моҳият касб этади. Унинг қабул қилиниши қонун ҳужжатла-ри нормалари тақрорлани-шининг олдини олиш имконини беради.

Тадбирда, шунингдек, бир қатор хорижий давлат-ларда сайлов тизимини такомиллаштириш, замона-вий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш борасидаги тажриба ҳақида ҳам атрофлича сўз юритил-ди. Сайлов йўналишда юза-га келиши мумкин бўлган масалалар ва улар ечими бўйича ўзарo фикр алма-шилди. Очик ва самимий руҳда ўтган муҳокамалар якунида Сайлов кодекси лойиҳасига фойдали тақ-лиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Анжуман доирасида хо-рижий иштирокчилар учун қадимий Бухоронинг тари-хий ёдгорликлари ва бошқа диққатга сазовор жойлари бўйлаб саёҳат уюштирилди.

### Сўз — анжуман иштирокчиларига

Жон МАКГРЕГОР,

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори:

— Ўзбекистонда барча ҳабада, жумладан, сайлов тизимида юз бераётган ўзгаришлар ҳам пировардида жамият равнақига хизмат қилади. Конференция доира-сидаги муҳокамалар жараёнида Венеция комиссияси ҳамда ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳаси юзасидан қўшма хулосаси, шу-нингдек, сайлов қонунчилигини ривожлантиришга доир хориж амалиёти бўйича тавсиялари тақдим этилди. Умуман, Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини такомил-лаштириш йўналишидаги саъй-ҳаракатлар мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириди, сайловни демократик тамойиллар асосида ўтказиш сари қўйилган муҳим қадам бўлади.



Николай ЛЕВИЧЕВ, Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси аъзоси:

— Сайлов қонунчилигини модернизация қилиш нафа-қат сиёсий тизим, балки жамият равнақи учун муҳим аҳамият касб этади. Сайлов ташкилотчиларидан вақт би-лан қадам-бақадам юриш талаб қилинади. Фақат шунда-гина фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи тўлиқ амалга ошади, жамиятда адолат қарор топади, унинг миллий-маданий қадриятларини асраб қолиш имконияти юзага келади. Шу нуктаи назардан, биз ушбу конференция орқали Ўзбекистоннинг сайлов тизимини модернизация қилиш борасида қандай нобё йўлни босиб ўтганига баҳо бер-дик. Бу тизимдан қўзланган мақсад умумэътироф этил-ган демократик сайловлар ва миллий таърибани уйғун-лаштирган самарали сайлов тизими моделини яратишдан иборатдир. Бугунги кунда Россияда ҳам сайлов тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш соҳани такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Шу жиҳат-дан Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳаси биз учун бу йўналишдаги ўзига хос намуна вазифасини ўтайди.

Александр ЦИНКЕР, Сайлов тизими бўйича халқаро экспертлар маркази президенти (Исроил — Нидерландия):

— Ўзбекистонда кейинги йилларда сайлов тизими ва сай-лов ҳуқуқини такомиллаштириш борасида сезиларли ўзга-ришлар амалга оширилди. Қонунчиликдаги ўзгариш ва қўшимчаларнинг бутун бошли пакети амалда янги сайлов тизимини шакллантирди. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳасининг ишлаб чиқилгани шу жараёнинг уз-вий давоми бўлди. Унда умумқабул қилинган халқаро норма ва тартиблар, бошқа бир жиҳатдан эса давлатнинг тарихий, демографик ўзига хосликлари ифодасини топган. Мен халқ-аро кузатувчи сифатида 2007 йилдан буюн мамлакатда ўтқа-зилаётган барча сайловларда қатнашиб келяпман. Ташкид-лаш жоизки, ҳар бир сайловдан сўнг Ўзбекистон раҳбарияти халқаро кузатув миссияларининг маслаҳат ва тавсияларига тезкорлик билан муносабат билдириб, зарур чора-тадбир-лар кўрмоқда. Жумладан, сўнгги сайлов натижаларидан келиб чиқиб, қатор кузатувчилар сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини яратишни сайлов жараёнини такомиллашти-ришнинг устувор йўналишларидан биридир, дея таъкидлаган эдилар. Кодекс лойиҳасида айнан ана шулар ўз ифодасини топганини кўришимиз мумкин. Қолаверса, Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг шу йил 4 октябрдаги сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга оид қарори бу йўналишдаги ишларнинг ҳуқуқий асосини яратиб берди.



«Халқ сўзи» муҳбири Истам ИБРОҲИМОВ ёзиб олди.

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2018 ЙИЛ 9 ОЙИДАГИ ИЖРОСИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ТАЪМИНЛАНДИ?

2018 йил 17 ноябрь санасининг иккинчи ярмида депутатлар ўз ишларини давом эттирдилар. Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2018 йил тўққиз ойидаги ижроси муҳокама қилинди.

Мажлисда таъкидлангани-дек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инно-вацияон гоғялар ва техноло-гияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурига бел-гиланган устувор вазифалар-ни изчил амалга ошириш ҳамда жамиятнинг ижтимо-ий-иқтисодий соҳаларини тубдан ривожлантириш, бун-га масъул идоралар фаоли-ятини таркибий ўзгаририш бўйича олиб борилган исло-хотлар ижроси натижасида 2018 йилнинг тўққиз ойи давомида иқтисодиётнинг баркарор, мувозанатли тарз-да ривожланиши ҳамда икти-содий ўсишининг юқори суръ-атлари таъминланди.

Илғор халқаро тажриба-ни ҳисобга олган ҳолда, пул-кредит сибсатини янада та-комиллаштириш, валютани тартибга солишининг замона-вий бозор механизмларини жорий этиш, саноат тузил-масининг диверсификация қилиниши бўйича қўрилган чора-тадбирлар мамлакат иқтисодиётига хорижий ин-вестицияларни кенг жалб қилишга, экспортни қўллаб-қувватлашга, замонавий, им-порт ўрнини босувчи товар ва маҳсулотлар ишлаб чиқа-рилишини янада оширишга, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун ташқи сав-до фаолиятини амалга оши-риш чоғида тенг шароитлар яратилишига имкон берди.

Депутатлар бюджет-лараро муносабатларнинг ва солиққа оид маъмурият-чиликнинг замонавий ме-ханизмлари жорий этилаётга-нини қайд этди, 2018 йил-нинг тўққиз ойида Қорақал-поғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ша-ҳар маҳаллий бюджетига

220,2 миллиард сўмлик қўшимча даромадлар келиб тушганини таъкидладилар. Ушбу маблағлар аҳолининг реал даромадларини, ҳаёт даражаси ва сифатини оши-риш, республика бюджетидан молиялаштиришга бўлган боғлиқлиқни камай-тириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эркинлигини қулайтиришга имкон бергани қайд этилди.

Ҳисобот даврида Давлат бюджети харажатларининг ижтимоий йўналтирилганли-ги сакланиб қолинди. Икти-моий соҳани молиялашти-риш учун харажатлар умумий ҳажмининг 53,4 фоизи миқ-дорида маблағ ажратилди.

Ижтимоий соҳа ва аҳоли-ни ижтимоий қўллаб-қувват-лашга ажратилган маблағ-ларнинг қадри 65,8 фоизи иш ҳақи ва иш ҳақига нис-батан ажратма тўловларини молиялаштиришга йўналти-рилган. Депутатлар ҳисобот дав-рида таълим тизимидаги ис-лохотларни янада чуқурла-штиришга, таълим жараёни даражаси ҳамда сифатини оширишга қаратилган таъ-лим стандартлари ва дастур-ларини мукамиллаштириш-га, мактабгача таълим муас-сасалари, касб-хунар кол-лежлари, академик лицейлар ҳамда олий ўқув юртилари хо-димларининг иш ҳақи, мод-дий-техника базасини мус-таҳкамлашга биринчи дара-жаи эътибор қаратилди. Хусусан, халқ таълими муас-сасаларини сақлаш ва ри-вожлантириш харажатларини молиялаштиришга Давлат бюджетидан 13,6 триллион сўм миқдорида маблағ аж-ратилганини диққатга молик, дея баҳоладди.

Шу билан бирга, парла-мент вакиллари бу борада йўл қўйилган сусткашлиқлар-га ҳам алоҳида эътибор қаратдилар. Ҳисобот даври-

да таълим тизими муасса-саларини сақлаш ва уларни ривожлантириш харажатла-рига ажратилган 92 милли-ард сўмлик маблағ ўзлаш-тирилиши таъминланмагани танқид қилинди.

2018 йилнинг тўққиз ойи-да Давлат бюджетидан илм-фанни ривожлантиришга мо-лиялаштирилган 213,3 мил-лиард сўм маблағнинг 123,2 миллиард сўми ёки 60 фоизи тегишли давлат дастурлари доирасида амал-га оширилаётган илмий-тех-ника лойиҳаларини молия-лаштиришга, шу жумладан, 104,1 миллиард сўми фун-даментал ва амалий илмий-техника ҳамда 19,1 милли-ард сўми инновация лойи-ҳаларини молиялаштириш ха-ражатларига йўналтирилган.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва унинг турмуш фаровонлигини оши-риш харажатларига Давлат бюджетидан 2 136,5 милли-ард сўм миқдорида маблағ-лар сарфланган. Ушбу маб-лағлар 14 ёшгача боласи бор оилаларга, боласи 2 ёшга тулгунча қадар иш-ламайдиган оналарга, кам даромадли оилаларга тўла-надиган моддий ёрдам, бола туғилганда бериладиган бир марталиқ нафақага, алоҳида тоифадаги фуқароларга уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имти-ёзлари қоплаш учун қар-атиладиган компенсация тўловларига, Қорақалпоғис-тон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги эҳтиёжманд оилаларга бир марта бери-ладиган моддий ёрдам учун йўналтирилган.

Депутатлар тиббиёт муас-сасаларини молиялаш маса-лаларини ҳам атрофлича му-ҳокама қилдилар. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги турли давлат дастурларини бажа-ришга доир чора-тадбирлар туфайли Давлат бюджетидан



# ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ИШБИЛАРМОНЛАРИГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ



Тошкент шаҳридаги мухташам “Наврўз” ресторанида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандлар ўртасида ўтказилган “Ташаббус — 2018” республика кўрик-танлови голибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А. Икромов, Тошкент шаҳар ҳокими вазифини бажарувчи Ж. Ортиқжўраев ва бошқалар таъкидлаганидек, кейинги пайтда иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорлик ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қулай ишбилармонлик муҳити яратиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Натижада кичик бизнес субъектлари сони йил сайин кўпайиб, уларнинг ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўндириш, хизмат кўрсатиш сифатини юксалтириш, экспорт салоҳиятини оширишдаги ҳиссаси тобора ортмоқда. Анъанавий равишда ўтказиб келинаётган “Ташаббус” кўрик-танлови эса иқтисодий тараққиётимизга муносиб ҳисса қўшаётган ана шундай илғор тадбиркорлар, омилкор фермерлар, қўли гул хунармандлар меҳнатини эътироф этиш, тажрибаларини оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Танловнинг асосий ташкилотчиси ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томоҳа ер эгалари кенгаши, “Хунарманд” уюшмаси, Ёшлар иттифоқи томонидан тегишли вазирлик ҳамда идоралар кўмағида “Ташаббус — 2018” янгича форматда ташкил қилинганини алоҳида қайд этиш жоиз. Икки ой давом этган бизнес марафонда мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларидан 6 мингдан ортиқ ишбилармонлар қамраб олинди. Танлов доирасида дастлаб туман (шаҳар)лар ва вилоятларда, сўнгра пойтахтимизда иштирокчилар маҳсулотларининг кўргазмаси, маҳорат дарслари, долзарб мавзуларда семинар ҳамда тренинглар бўлиб ўтди. Бу эса янгиликка иштиёқманд тадбиркор, фермер ва хунармандлар ўртасида узаро беллашувгина эмас, бал-



ки илғор тажрибаларни алмашиш, тармоқлараро кооперация алоқаларини ўрнатиш, ишлаб чиқариш-замонавий технологиялар, инновацион ишланмаларни жалб этишда ўзига ҳос иқтисодий форум макомига эга бўлди. Шу боис мазкур танловга бўлган қизиқиш кучайиб, унинг нуфузи ортмоқда.

Бу йил якуний босқичда 915 нафар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти, фермер ҳамда хунарманд Президент соврини учун ўзаро баҳслашди. Танлов иштирокчилари орасидан голибларни аниқлаш осон кечмади. Ахир республикамизнинг турли ҳудудларидан келган тадбиркорларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, ўз ишининг устаси саналди. Улар номи тилга олинганида йиғилганлар давомли қарсаклар билан олқишлаганининг боиси ҳам шунда.

Аввал, “Энг яхши тадбиркор аёл”, “Йилнинг энг яхши иннова-

цион лойиҳаси”, “Ёшларга энг кўп иш жойи яратган тадбиркор”, “Энг яхши оилавий бизнес соҳибни”, “Йилнинг энг яхши маҳсулоти”, “Энг яхши экспортчи”, “Энг масъулияти ижтимоий шерик”, “Энг яхши кўргазма намойиши учун” сингари қўшимча номинациялар бўйича совриндорлар аниқланди. Уларга махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар берилди.

Навбат бешта асосий — “Саноат соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори”, “Хизмат кўрсатиш соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори”, “Йилнинг энг яхши хунарманди” йўналишлари бўйича голиблар номи эълон қилишга етиб келди. Ушбу йўналишларда учинчи ва иккинчи ўрин эгалари муносиб тақдирланган, олий ўрин соҳиблари саҳнага чорланди.

Шундай қилиб, “Namangan momiq

sochiqlari” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Фиёсиддин Бобохонов “Саноат соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори”, “Farg'ona tibbiy diagnostika” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Абдумалик Эргашев “Хизмат кўрсатиш соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори”, Тошкент шаҳридаги “Azr-Textile Group” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Азизжон Зоиров “Йилнинг энг яхши тадбиркори”, Хоразм вилоятидаги “Йўлдош Маждид” фермер хўжалиғи раҳбари Йўлдош Искандаров “Йилнинг энг яхши фермери”, самарқандлик моҳир ёғоч уймаkori Мансур Асадов “Йилнинг энг яхши хунарманди” деб топилди.

Барча йўналишда биринчи ўрин соҳибларига “Ташаббус — 2018” статуэтчаси, олтин медал, махсус диплом ҳамда Президент совғаси — “Spark” автомобилининг қалити топширилди.

— Билдирилган катта ишончни бизнесдаги ютуқларимиз билан оқлаймиз, — дейди “Саноат соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори” номинацияси голиби Фиёсиддин Бобохонов. — Ҳозирги пайтда корхонамиз таркибидagi бешта фабрикада 1800 киши меҳнат қилаётган бўлса, 2020 йилгача ишлаб чиқариш қувватларини янада кўпайтириб, ишчилар сонини 10 минг нафарга етказишни мақсад қилганмиз. Бунинг учун ҳозирданок аниқ лойиҳалар устида ишляпмиз. Уларни муваффақиятли рўёбга чиқаришимизда бугунги юксак эътироф ва рағбат биз учун бамисоли қанот бўлади.

Санаёт усталари ва ёш ижрочиларнинг концерт дастури тадбирга байрамона файз бағишлади.

**Саид РАҲМОНОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## Анжуман

## Мактабгача таълим муассасалари

### Замонавий босқичда улар қандай бўлиши керак?

Пойтахтимизда “Бола-нинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлашда инновацион таълим муҳитининг ўрни” мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Жаҳон банки ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар вакиллари, эксперт ва олимлар, журналистлар қатнашди.

Анжуманда мамлакатимизда ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашнинг муҳим бўлини сифатида мактабгача таълим тизими-га алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Шаҳару қишлоқларда янги боғчалар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Мавжудлари таъмирланиб, жаҳон андозаларига мослаштирилган. Тизимда нодавлат сектор ривожлантирилиб, давлат-хусусий шерикчилик механизми қўллаб-қувватланаётир.

Бугунги кунда юртимиздаги 6 минг 600 дан зиёд мактабгача таълим даргоҳлари-га 890 мингдан ортиқ болалар қатнапти. Бирок

бу кўрсаткич тараққий этган мамлакатлардагидан сезиларли даражада паст бўлиб, мактабгача ёшдаги жами кичкинтойларнинг атиги 35,4 фоизини ташкил этади.

Шу боис боғчаларга ўғил-қизлар қамровини янада кенгайтириш, муассасаларда боланинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайдиган инновацион таълим муҳити яратиш, уларни зарур жиҳоз ва ўқув-услубий воситалар, интеллектуал ўйин-очкоқлар билан таъминлаш, тарбиячи-педагогларнинг билим ҳамда салоҳиятини замон талабларига мослаштириш долзарб масалалардан биридир.

Халқаро мутахассислар, олимлар томонидан инновацион таълим муҳитини яратишда жаҳон тажрибаси, мазкур йўналишда амалга оширилган илмий тадқиқот натижаларига доир маърузалар тинглан-ди. Соҳага доир фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. Абдувахитов сўзга чиқди.

### Сўз — тадбир қатнашчиларига

**Хидеки МОРИ,**  
**Жаҳон банкининг**  
**Ўзбекистондаги**  
**ваколатхонаси раҳбари:**

— Мамлакатингизда 2021 йилгача 6-7 ёшдаги болаларнинг 100 фоизини мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш режалаштирилгани таҳсинга сазовор. Жаҳон банки ўзининг глобал тажрибаси ва молиявий ресурсларидан фойдаланган ҳолда, юртингизда мактабгача таълим соҳасини ислох қилишда зарур барча ёрдмни аямайди. Хусусан, 2019 йилда болаларга сифатли таълим хизматларини кўрсатишни таъминлаш ва мактабгача таълим тизимини такомиллаштиришга, қишлоқ ҳамда шаҳарларда таълим олиш шароитларини яхшилашга қаратилган лойиҳа учун 55 миллион АҚШ доллари ажратилди.




**Саша ГРАУМАНН,**  
**ЮНИСЕФнинг**  
**Ўзбекистондаги**  
**ваколатхонаси раҳбари:**

— Юртингизда мактабгача таълим тизимини янада ривожлантиришда хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан яқин алоқалар йўлга қўйилгани алоҳида эътирофга лойиқ. Жумладан, ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, соҳага илғор услублар ва замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш борасида кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Зеро, ҳар бир бола жисмоний, ҳиссий, ижтимоий ва когнитив ривожланиш учун яхлит ёндашув асосида ишлаб чиқилган таълим имкониятларига эга бўлиши лозим.

Ўзбекистоннинг асосий қисми ёшлар ҳисобланади ва улар яқин йиллар ичида мамлакатнинг энг катта ишчи қучига айланадилар. Мамлакат ўз демография имкониятларидан фойдалана олиши учун бор имкониятларини ишга солиб, ҳозирданок навқирон авлод истиқболи учун инвестиция қиратиётгани келажақда ўз мевасини беришига ишонаман.



**«Халқ сўзи» мухбири**  
**Дилшод КАРИМОВ ёзиб олди.**



Дунёга машҳур “Lonely Planet” сайтида Канаданинг “G Adventures” сайёҳлик компанияси экспертлари фикри асосида келгуси йилда энг оммабоп бўладиган 10 та туристик йўналиш эълон қилинди.

## Дунё нигоҳи

Мазкур рўйхатдан айна пайтда улкан ислохотлар ва сиёсий ўзгаришларни бошидан кечириётган ҳамда юксалаётган мамлакатлар жой олган. Изоҳланишича, ушбу давлатларга сафар уюштириш қўли бўлиши билан бирга, осонлашиб ҳам борапти.

Биз учун аҳамиятли жиҳати, рейтингда Ўзбекистон иккинчи ўринда қайд этилди. Мутахассислар 2018 йилда юртимизда визага оид талаблар юмшатилгани ва электрон виза тизими жорий қилинганини алоҳида кўрсатиб ўтишган.

“G Adventures” эътирофига кўра, Марказий Осиё давлатларига бўлган қизиқиш асло сусайгани йўқ. Масалан, охириги беш йилда Ўзбекистонга келган сайёҳлар оқими 72 фоиз ўсган. Мутахассислар рўйхатни шакллантиришда компания маълумотлари ва истеъмолчиларнинг фикрларига таянишган.

Унналикда биринчи погонани Япония эгаллади. Бу ерда 2019 йилда регби бўйича жаҳон чемпионати, 2020 йилда эса ёзги Олимпия ўйинлари ташкил қилинади. Айтиб ўтганимиздек, иккинчи ўринда Ўзбекистон, кейин Сенегал, Тайвань, Шри-Ланканинг шимолий провинциялари, Иордания, Исландия, Эфиопия, Италия, Патагония жойлашган.

**Охириги**  
**беш йилда**  
**Ўзбекистонга**  
**келган**  
**сайёҳлар**  
**оқими**



**72%**  
**ўсган.**

Маълумот ўрнида келтириб ўтамиз, “Lonely Planet” ўрта синф сайёҳлари учун тавсиялар, маслаҳатлар эълон қилиб борадиган дастлабки нашриётлардан бири ҳисобланади. Унга 1972 йилда асос солинган. 2007 йилда “BBC”нинг “BBC Worldwide” тижорат агентлиги томонидан сотиб олинган. “Lonely Planet” 500 номдан зиёд туристик йўналишлар, маслаҳатчи қўлланмалар ва саккиз тилда сўзлашув китоблари чиқарган. Уларнинг йиллик адади 6 миллион нусхага етади.

“G Adventures” компанияси эса кичик гуруҳлар учун саргузашт туризминини ташкил этишга ихтисослаштирилган. У 1990 йилда Канаданинг Торонто шаҳрида очилган. Дунё бўйлаб 28 та офиси мавжуд ҳамда 100 дан ортиқ мамлакатга 700 га яқин турларни таклиф этади. Ҳар йили 162 та давлатдан 200 минг сайёҳга хизмат кўрсатади.

**С. МАХСУМОВ тайёрлади.**

## Синовдан муваффақиятли ўтди

Олтинқўл туманида Европа Иттифоқи томонидан лойиҳалаштирилган “Ўзбекистон қишлоқ жойларини барқарор ривожлантириш” дастури ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда Франция Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Виолет де Вильмор, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти Марказий Осиё дастурлари ҳудудий раҳбари Торстен Брецина, шунингдек, Италия элчихонаси вакиллари, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Ўзбекистон картошка етиштирувчилар ассоциацияга техник ёрдам кўрсатиш Миллий бюроси вакиллари иштирок этди.

Таъкидлаш керакки, Европа Иттифоқи лойиҳалаштирган мазкур дастур ижроси доирасида жорий йилнинг февраль ойида Франциядан 7 навадга 19,5 тонна картошка уруги олиб келинди ва Андижон вилоятининг тўртта фер-

мер хўжалиғида синов тариқасида парваришланди.

— Одатда, картошка уруги май ва июнь ойларида импорт қилинар эди, — дейди “Инновацион Агро Сервис” картошкачилик кооперативи раҳбари Мурод Комилов. — Жорий йил бу фаолият февраль ойида ташкил этилганлиги боис икки марта ҳосил олишга эришдик. Булоқбоши ва Жалақудуқ туманларида етиштирилган уруглик картошкларнинг ҳосилдорлиғи Франциядаги ҳосилдорликка нисбатан юқори эканлиги аниқланди.

Семинар давомида 100 тонна ҳамдаги уруглик картошкани сақлашга мўлжалланган омборхонанинг очилиши ҳамда картошка ҳосилини териб оладиган махсус тракторни топшириш маросими ҳам ўтказилди.

**Саминжон ҲУСАНОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### РЕКЛАМА

# ПРОФНАСТИЛ

**ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ кўйидаги маҳсулотларни тақдим этади:**  
**гальванизацияланган ва полимер қопламали**  
**ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ**  
**гофраси баландлиги: С-17, С-18, Н-35, Н-57.**  
Профнастил учун материал сифатида ролондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.  
**Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.**  
**ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ**  
• 0,4 мм. — **42 000** сўм/п.м. • 0,5 мм. — **50 000** сўм/п.м.  
• 0,45 мм. — **45 500** сўм/п.м. • 0,7 мм. — **70 500** сўм/п.м.  
**ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ**  
• RAL 3005,6005,8017 0,45 мм. — **55 000** сўм/п.м.  
• RAL 3005,6005,8017 0,5 мм. — **60 000** сўм/п.м.  
**Тел.: 95-475-00-65, 95-197-00-93, 99-871-88-99.**

Хизматлар лицензияланган.

Ушбу жойда **СИЗНИНГ** рекламаниз бўлиши мумкин эди!

**«Халқ сўзи»даги**

**РЕКЛАМА – бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!**

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй.  
Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15.  
E-mail: reklamax@mail.ru reklama@xs.uz

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси**  
**Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва**  
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 72 518 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибона 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.

Тахриратта келган кўлабмазар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунини расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета тахриратта компьютер терминал ҳамда оператор А. Исмомов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
**100000,**  
**Тошкент шаҳри,**  
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**  
**Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова.**  
**Навбатчи — Д. Содиқов.**  
**Мусахҳиҳ — С. Исмомов.**

**“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:**  
**“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.20 Топширилди — 01.20** 1 2 3 4 5 6